

## ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ОБРАЗЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

**Мадалиева Шахноза**

*Хорижий тил ва адабиёти 1-курс магистранти*

*Қўқон давлат педагогика институти*

**Аннотация:** Мақолада фразеологик бирликларда образлилик хусусиятлари масалалари атрофлича ёритиб берилган. Образлилик фразеологизмлари нутқда стилистик восита сифатида хизмат қилади ва уларнинг ишлатилиши сўзловчининг индивидуал хусусиятлари ҳамда унинг шахсий дидига боғлиқдир. Фразеологик бирликларни ишлатилишига гувоҳ бўлсак-да, барибир образлилик масаласини бу асослар ёрдамида ҳал қила олмаймиз. Фактлар шуни кўрсатадики, фразеологик бирликларнинг тез-тез такрорланиб ишлатилиши, уларнинг ўзгаришига бунчалик таъсир кўрсатмаганидек, уларнинг образлилик хусусиятига ҳам таъсир ўтказа олмайди.

**Калит сўзлар:** фразеологик бирлик, образлилик, нутқ бўлаклари, эмоционал образ.

Фразеологик бирликлар семантикасини асослашда образлилик тушунчасини тўғри талқин қилиш катта аҳамият касб этади. Бу муаммо фразеология учун калит бўлиб ҳисобланади, чунки барча изланувчи олимлар фразеологияга бўлган қарашларидан қатъий назар, образлиликни фразеологизмларнинг муҳим белгиларидан бири деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, образлилик семантик жиҳатдан ўзгаришнинг кўрсаткичи сифатида, фразеологик бирликларни пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди ва унинг чуқур ўрганиш заруриятини белгилаб беради.

Образлилик масаласи тилшунослар тарафидан биринчи мартаба эътиборга олинаётган масала эмас, лекин унга турли хил тарафдан турлича ёндашилган.

Ш.Балли образлиликни уч хил турини аниқлаган. Биринчи турга у аниқ (ҳиссий) образни, иккинчисига эмоционал образларни ва учинчисига ўлик образларни киритади.

Ш.Баллининг фикрича, конкрет (аниқ) образ “тасаввурни уйғотади ва расм чизади, ҳис-туйғу билан қабул қилинади”(1, 228) .

Ш.Балли номидан келтирилган қарашларда образлилик даражалари белгиланса-да, образлиликни аниқлашда мақбул(тўғри) ёндашиш деб қараш тўғри ҳисобланмайди. Интуиция (ҳиссиёт) бу масалада ишончли ёрдамчи эмас, у керак бўлса, панд бериб қўйиши ҳам мумкин. Чунки образлилик бир тилда гаплашувчи одамларда турлича ҳис қилиниши мумкин. Бу фактни Ш.Баллининг ўзи ҳам тан олади. Унинг фикрича, “индивидуал ҳиссиёт бундай образлиликларни қабул қилинишида муҳим рол ўйнайди”. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, айтилган фикрлар тўғри маънода қолган иккита образлиликларга ҳам тегишлидир. Буларнинг

ҳаммаси шундай хулосага олиб келадики, образлилик тушунчаси объектив, ҳақиқий лингвистик қарашлар, авваламбор, бундай образларни пайдо бўлиш маълум факторларга таянишни тақазо этади. Бундай қарашлар кузатилмаган ҳолатларни Ш. Балли қуйидагича изоҳлайди, унинг фикрича, у образлилик ибораларининг келиб чиқишига алоҳида эътибор қаратмаган.

Образлилик масаласини стилистик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ва лингвистик жараёнларни бутунлай рад қилиш, образларни содир бўлишини қийинлаштириш, табиийки, муаммони ҳал қилишга ёрдам беролмади.

Субъектив ёндашув, худди шундай сабаблар билан кўчирилган, тўғри бирикмаларда образсизлик (образлиликни инкор қилиш) ҳолатини аниқлашда ҳам кузатилади. Кўплаб тадқиқотчилар фикрича, баъзи фразеологизмлар образлилик хусусиятини йўқотиб бормоқда. А.В. Бочкова “нутқ бўлаклари ўзларининг образлиликларини уларга ўрганиб қолиш натижасида йўқотишади” деб фикр билдиради (2,17). Масалан, “шердек бақувват” фразаси образлилик хусусиятини ўша нарсага таққослаш натижасида йўқотган. Чунки у шер ҳақида ҳеч қандай фикр уйғотмайди, яъни содда қилиб айтадиган бўлсак, шернинг кучлилиги ҳаммага маълум ва одамлар буни билишади ва ўрганиб кетишган.

Образлилик фразеологизмлари нутқда стилистик восита сифатида хизмат қилади ва уларнинг ишлатилиши сўзловчининг индивидуал хусусиятлари ҳамда унинг шахсий дидига боғлиқдир.

Аммо биз фразеологик бирликларни бундай тарзда кўплаб ишлатилишига гувоҳ бўлсак-да, барибир образлилик масаласини бу асослар ёрдамида ҳал қила олмаймиз. Фактлар шуни кўрсатадики, фразеологик бирликларнинг тез-тез такрорланиб ишлатилиши, уларнинг ўзгаришига бунчалик таъсир кўрсатмаганидек, уларнинг образлилик хусусиятига ҳам таъсир ўтказа олмайди.

Кўпгина ҳозирги замон тадқиқотчиларига образлиликни кенг шарҳ қилиниши ва бу тушунчанинг бошқа тушунчалар билан қоришиб кетиши ўзига хос бир белгидир. Маълум бир тадқиқотчилар образлиликни унинг адабий ёки фалсафий тушунилиши билан ифодалядилар. Шуни таъкидлаш лозимки, фразеология учун образлиликнинг лингвистик борлигини очиб бериш жуда муҳимдир.

Бу хусусда В.Г.Гакнинг изоҳи жуда муҳим саналади. У образлилик ифодаларини уларнинг семантик жиҳатдан иккиланганлигидан келиб чиқади ва лингвистик образлилик механизмини пайдо бўлишига туртки бўлади (3, 127). Бу изоҳга қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, образлилик асосида, “икки расмнинг биргаликдаги кўриниши” улардан бири сўзнинг ёки иборанинг образлилик (ёки кўчма) маъносини ҳосил қилади, бошқаси эса унинг оддий бирламчи маъносини беради. Бу икки кўриниш икки турлича маъноларга мос келган ҳолда, бир- бирига таянади, табиийки, образлилик маъноси биринчи ўринда туради. Образлилик маъноси бирламчи маънонинг фрикцияси ҳисобланади, у кейингисининг панасида кўринади. Бу билан шуни изоҳлашимиз мумкинки, сўзнинг образлилик маъносида ишлатилишида “биз бир вақтнинг ўзида икки хил тушунчани тасаввур қиламиз”.

В.Г.Гакнинг шарҳи, албатта, образлиликни лингвистик кўринишига яхши асос ҳисобланади, шу жумладан, фразеологик бирликлардаги образлилик ҳолатига ҳам.

Фразеологик бирликларда образлиликни тўғри тушуниш учун масаланинг барча мураккабликларни ҳисобга олишимиз керак. Бу мураккаблик кўп жиҳатдан шу нарсага боғлиқки, турли хил фразеологизмлар ўзларининг синтактик жиҳатдан эркин бўлган вариантлари билан турлича маънодаги муносабатларда бўлишади. Бундай кўриниш, фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан ривожланишининг нотекислиги билан изоҳланади. Бу олдимизга шундай муаммони қўядики, фразеологияда образлилик масаласининг ечими муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш. Балли Французская стилистика, Москва,1961,228стр.
2. Бочкова А.В. Междометная фразеология как часть фразеологического фонда языка. Фразеологические этюды, Саратов,2001, 17 стр.
3. В.Г.Гак. Беседы о французском слове, Москва,1961, 127 стр.